



## СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАҚСАДИДАГИ ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

*И.ф.д., проф. Курбанов Зият Ниязович*  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
ORCID: 0009-0009-2147-0654  
[ziyatqurbanov@mail.ru](mailto:ziyatqurbanov@mail.ru)

**Аннотация.** Мақолада ҳўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг назарий масалалари ёритилган. Солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб сиёсатининг моҳияти очиб берилган. Шунингдек, "солиқ ҳисоби" ва "солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб сиёсати" тушунчалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби, солиқ ҳисоби, ҳисоб сиёсати, солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб сиёсати, БҲМС, МҲХС.

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ФОРМИРОВАНИЯ УЧЕТНОЙ ПОЛИТИКИ В ЦЕЛЯХ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ

*д.э.н., проф. Курбанов Зият Ниязович*  
Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В статье рассмотрены теоретические вопросы формирования учетной политики хозяйствующих субъектов. Раскрыта сущность учетной политики для целей налогообложения. Также в Налоговый кодекс Республики Узбекистан внесены предложения по понятиям «налоговый учет» и «учетная политика для целей налогообложения».

**Ключевые слова:** финансовый учет, управленческий учет, налоговый учет, учетная политика, учетная политика для целей налогообложения, НСБУ, МСФО.

## THEORETICAL ISSUES OF ACCOUNTING POLICY FORMATION FOR TAXATION PURPOSES

*DSc, prof. Kurbanov Ziyat Niyazovich*  
Tashkent State University of Economics

**Abstract.** The article describes the theoretical issues of accounting policy formation in economic entities. The essence of the accounting policy for taxation purposes is revealed. Also, proposals were made to the Tax Code of the Republic of Uzbekistan on the concepts of "tax accounting" and "accounting policy for taxation purposes".

**Keywords:** financial accounting, management accounting, tax accounting, accounting policy, accounting policy for taxation purposes, NAS, IFRS.

### Кириш.

Республикамизда солиқ сиёсатини ислоҳ этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва стратегияси ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга жорий этилди. Стратегиянинг асосий йўналишлари этиб солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланма даражасини қисқартириш; хизмат кўрсатишга йўналтирилган солиқ хизматларини ривожлантириш; солиқ таваккалчиликларини баҳолаш тизимини жорий қилиш ва солиқ ҳисобини такомиллаштириш; давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш; давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш механизмларини ривожлантириш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389 сонли Қарори (2019) билан маъқулланган “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”нинг 7-бандида “Солиқ ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларидаги тафовутларни қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш ва уларни халқаро молиявий ҳисобот стандартларига тўлиқ мослаштириш” вазифаси қўйилди.

Солиқ кодексининг янги таҳририда “Солиқ солиш мақсадларидаги ҳисобга олиш ва ҳисоб ҳужжатлари” 79-модда ва “Солиқ солиш мақсадидаги ҳисоб сиёсати” тушунчаси 80-модда қилиб киритилган. Ушбу тушунчаларни Солиқ кодексига киритилиши бухгалтерия ҳисобининг методологиясида тегишли ўзгартиришларга олиб келади. Чунки ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг методологик масалалари муҳим бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарори (2020) ҳисоб сиёсатини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мослаштириш вазифасини белгилаб берди.

### Адабиётлар шарҳи.

Ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисобининг замонавий турлари пайдо бўлмоқда. Ҳисобнинг янги турлари бу – молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби, стратегик ҳисоб, солиқ ҳисоби, экологик ҳисоб, креатив ҳисоб, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига асосланган ҳисоб, динамик ҳисоб, статик ҳисоб”

Биз олдинги илмий ишларимизда бухгалтерия ҳисоби турларининг янги таснифини ишлаб чиқиб, солиқ ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми деган илмий фикрни илгари сурганмиз .

Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисоби турларининг, яъни молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби ва солиқ ҳисобларининг ҳисоб сиёсатини шакллантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ҳисоб сиёсати нима? У меъёрий ҳужжатларда ўз аксини қандай топган?

Ҳисоб сиёсати тўғрисидаги биринчи бухгалтерия ҳисобининг стандарти 1971 йил Буюк Британияда, 1972 йилда эса АҚШда ишлаб чиқилган ва амалиётда қўлланилган.

Мамлакатимизда эса Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 1-сонли БҲМС (2024) “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” 1998 йил 26 июлда тасдиқланиб, 1998 йил 24 августдан кучга кирган. 1-сонли БҲМСга 2012 йил 18 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 71-сонли буйруғига асосан ўзгартириш киритилди. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 130-сон буйруғига асосан қайта тасдиқланди

8-сонли Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартида (IAS-8) (2018) ҳисоб сиёсати қуйидагича эътироф этилган: “Ҳисоб сиёсати – бу ташкилотлар томонидан молиявий

ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишда қўлланиладиган аниқ тамойиллар, асослар, келишувлар, қоидалар ва амалиётлардир”.

Республикамизда бухгалтерия ҳисоби бўйича қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда хўжалик юритувчи субъектларда ҳисобни юритишни ташкил қилиш мақсадида “ҳисоб сиёсати”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш кўзда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси 1-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС-1) “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”да ҳисоб сиёсатига қуйидагича таъриф берилган: “Ҳисоб сиёсати деганда ташкилотнинг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қўллайдиган усуллари, уларнинг принцип ва асослари билан биргаликдаги жамламаси тушунилади” (БҲМС-1, 2024).

Ҳисоб сиёсатига иқтисодчилар турлича таъриф беришган жумладан, иқтисодчи Макарованинг (2011) фикрича ҳисоб сиёсати – бу иқтисодий субъектнинг ҳуқуқий, бухгалтерия ҳисоби, солиққа тортиш масалалари бўйича аниқ позициясидир (қараши).

Макарова (2011) ўзининг илмий фикрини давом эттириб, ҳисоб сиёсатига таъриф беради: “Ҳисоб сиёсати – бу маълумотдан фойдаланувчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб турларини юритиш усулларининг тўлиқ мажмуасидир”.

Бу таърифдан кўриниб турибдики, бухгалтерия ҳисоби турларининг, шу жумладан бошқарув ва солиқ ҳисобларининг ҳам алоҳида ҳисоб сиёсати бўлиши мақсадга мувофиқ экан.

Умуман, микроиқтисодиёт даражасида ҳисоб сиёсати қуйидаги масалаларни шакллантиришни ўз ичига олади:

- Бухгалтерия ҳисобини юритиш мақсадидаги сиёсат (молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби);

- Солиққа тортиш мақсадидаги сиёсат – шу жумладан, солиқ ҳисоби сиёсати.

Ушбу ҳисоб сиёсатларни шакллантиришда солиқ ҳисоби ва бошқарув ҳисоби сиёсатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда амалиётда қўллаш ҳозирги иқтисодий шароитда жуда муҳимдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, солиқ ва бошқарув ҳисоблари сиёсатининг моҳиятини ва услубий жиҳатларини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Россия Федерациясида «Солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсати» тушунчаси Солиқ кодексининг 21-боби «Қўшилган қиймат солиғи»ни қўллаш билан пайдо бўлган ва Солиқ кодексининг 25-боби «Фойдадан солиқ»нинг 254, 261, 267, 307, 313, 314-моддалари билан янада мустақамланган. Бироқ, бу ҳуқуқий қонуний ҳужжатларда ҳам солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсатига таъриф берилмаган (Кодекс РФ, 2024). Ўрганилган чет эл адабиётлари таҳлили шуни кўрсатдики, жуда кўп иқтисодчилар солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсатини «солиқ ҳисобини юритишнинг корхона томонидан танланган усуллар мажмуаси» деб эътироф этишган. Жумладан, Бризгалин ва Демешовалар (2000) қуйидагича таъриф беришган: «Солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсати деганда корхонанинг солиқ ҳисобини юритиш, солиқ ва йиғимларни ҳисоблаш қоидаларини танланган усуллар мажмуаси тушунилади». Бундан кўриниб турибдики, корхона солиқ ҳисобини юритишнинг методологиясини ўзи танлаши, танланган усуллар маълум бир ҳужжат билан мустақамланиши керак.

Сиделникова ва Назарянлар (2002) ўзларининг қўлланмасида қуйидагиларни қайд этганлар: «Россия Федерацияси солиқ кодексининг 25-бобини амал қилиши билан «солиқ ҳисоби» тушунчаси пайдо бўлди ва «солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсати» атамаси ҳуқуқий мустақамланди. Бу билан боғлиқ ҳолда корхоналар иккита алоҳида бухгалтерия ва солиқ ҳисоби сиёсатларини тасдиқлаш зарурати туғилди». Ушбу муаллифлар томонидан солиқ ҳисоби сиёсатига таъриф бермасаларда, бухгалтерия (молиявий) ва солиқ ҳисоби сиёсатларининг асосий элементлари қиёсий таҳлил қилинган.

Куликова ва бошқаларнинг (2018) фикрича: «Солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсати – бу ташкилот фаолиятининг хусусияти ва солиқ ҳисобининг бош тамойилларига мос ҳолда фойда солиғини солиқ базасини аниқлайдиган ахборотларни умумлаштирувчи қоида ва усуллар мажмуасидир».

Пятовнинг (2008) қарашича: «Солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсати деганда, солиқ тўловчига солиқ қонунчилиги томонидан берилган комплекс имкониятлардан амалга оширилган хўжалик операцияларини солиққа тортиш режимларидан бирини танлаш тушунилади». Бу фикр билан биз тўлиқ қўшилиша олмаймиз. Чунки, ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва фақат солиқ қонунчилиги томонидан берилган имкониятлардан бири танланмайди, балки солиқ ҳисобини юритиш ва солиқ ҳисобини тузишда қўлланиладиган усуллар ва қоидалар танланади.

Матвеев (2004) солиқ ҳисоби сиёсатига қуйидагича таъриф берган: «Корхонанинг солиқ ҳисоби сиёсати деганда, солиқ ҳисобини юритиш мақсадида фойда солиғини аниқлаш учун хўжалик фаолиятида рўй берган ҳодисаларни бошланғич кузатиш, уларни тан олиш ва қийматда ўлчаш, гуруҳлаштириш ва умумлаштириш усулларининг қабул қилинган мажмуаси тушунилади». Матвеевнинг берган таърифи олдингиларга нисбатан кенг ва тўлиқроқ дейиш мумкин. Бироқ, хўжалик юритувчи субъект фақат фойдадан солиқ базасини аниқлаш ва унинг солиқ ҳисобини юритиш учун ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқмайди. Чунки, хўжалик юритувчи субъект бюджетга бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлаши ҳам мумкин.

Рассказова–Николаеванинг (2010) фикрича: “Солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб сиёсати – бу солиққа тортиш базасини аниқлаш мақсадида солиқ ҳисобини юритиш усуллари йиғиндисидир”.

Нестеров (2009) солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб сиёсатига “солиқ тўловчининг ўзининг фаолияти бўйича солиқ кўрсаткичларини ҳисобга олишни аниқлайдиган ҳужжат” деб қарайди.

Юқорида келтирилган таъриф ва эътирофларда солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб сиёсати – солиқ ҳисобини юритишнинг усулларининг йиғиндиси деган фикрлар берилган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқотимиз методологияси бўлиб, солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб сиёсатининг бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш ва гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилиб, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Бизнинг фикримизча, солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб сиёсатига таъриф беришда унинг вазифасидан келиб чиқиш зарур. Унинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Солиққа тортишни оптималлаштириш;
- Солиқ турлари бўйича солиққа тортиш базани тўғри шакллантириш;
- Солиқ кўрсаткичларини ҳисобда тўғри акс эттириш;
- Молиявий ҳисоб билан солиқ ҳисобини интеграциялашувини таъминлаш;
- Солиқ ҳисоботи шакллари тўғри тузиш ва маълумотлар объективлигини таъминлаш;
- Молиявий ва солиқ ҳисобларини халқаро стандартлари талабларига яқинлаштириш ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, “солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб” ва “солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб сиёсати” тушунчаларини мос равишда “солиқ ҳисоби” ва “солиқ ҳисоби сиёсат” деб аташ мақсадга мувофиқ. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, биз

томонимиздан “солиқ ҳисоби” ва “солиқ ҳисоби сиёсати” тушунчаларининг таърифлар берилди:


Солиқ ҳисоби – бу ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш ва солиқ ҳисоботларини тузиш учун зарур бўлган маълумотларни ҳисобга олиш тизимидир (Курбанов З.Н., 2024).

“Солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб сиёсати – бу ҳўжалик юритувчи субъект томонидан солиқ ҳисобини юритиш ва солиқ ҳисоботини тузиш учун танланган тамойиллар, қоидалар ва усуллар мажмуасидир.

Солиқ ҳисоби сиёсати ҳўжалик юритувчи субъектлар учун ички меъёрий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.


Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият муаллифлар солиқ ҳисоби сиёсатини ташкилий, техник ва услубий қисмлардан иборат бўлиши керак деган фикрдалар. Масалан: Нестерованинг (2006) ёзишича, солиқ ҳисоби сиёсати солиқ ҳисобининг барча ташкилий, техник ва услубий аспектларини қамраб олиши керак.

Ғуломова ва Файзиёвалар (2018) ҳисоб сиёсатини тўртта қисмдан, яъни умумий тартиблар, ҳисоб услубиёти, ҳисоб техникаси ва ҳисобни ташкил этиш қисмларидан иборат бўлишини қайд этади.



1-расм. Солиқ ҳисоби сиёсатининг таркиби

Бизнинг фикримизча, солиқ ҳисоби сиёсати учта, яъни, ташкилий, техник ва услубий қисмлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу тўғрисида биз олдин нашр этилган илмий ишларимизда ҳам шундай фикр билдирган эдик. Солиқ ҳисоби сиёсати учта, яъни ташкилий, техник ва услубий қисмлардан иборат. Солиқ ҳисоби сиёсатининг таркиби расм кўринишда берилган (1-расм).



2-расм. Солиқ ҳисоби сиёсатининг услубий қисмининг модели

1-расмдан кўришиб турибдики, солиқ ҳисоби сиёсатининг ташкилий қисмида хўжалик юритувчи субъектларда солиқ ҳисобини юритишнинг шакли, солиқ ҳисобини олиб бориш кимга ва қайси бўлинмага юклатилганлиги, бухгалтерия (молиявий) ҳисоб билан солиқ ҳисобининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда ҳужжатлар айланишини ташкил этиш масалалари ўз аксини топган.

Солиқ ҳисоби сиёсатининг асосий қисми бўлиб, унинг методологик томони ҳисобланади. Шунинг учун бу қисмга алоҳида ва кенгроқ тўхталишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Солиқ ҳисоби сиёсатининг услубий қисмини шакллантиришда бухгалтерия (молиявий) ва солиқ ҳисобининг ўзаро боғлиқ ҳамда уларнинг фарқли томонларини қиёсий таҳлил қилиш зарур.



Солиқ ҳисоби сиёсатининг услубий қисмининг модели 2-расмда акс эттирилган.

Бу қисмда даромад ва харажатларни таснифи, уларни тан олиш, мулк ва ТМЗ ни баҳолаш усуллари, асосий восита ва номоддий активларни амортизация ажратмасини ҳисоблаш методлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш ва солиқ ҳисобида акс эттириш методикаси, солиқ ҳисоботини тузиш ва тегишли органларга тақдим этиш тартиблари кўрсатилади.

Солиқ ҳисоби сиёсатининг услубий қисмида қуйидаги элементларга алоҳида эътибор бериш керак:

- активлар ва мажбуриятларни баҳолаш методларига;
- даромад ва харажатларни солиқ ҳисобида тан олишга;
- амортизацияни ҳисоблаш методларига;
- амортизация меъёрларини қўллашга;
- заҳира (резерв)ни ташкил этишга;
- солиқларни ҳисоблаш, тўлаш тартибларига;
- солиқлар бўйича аванс тўловларини амалга ошириш тартибига;
- солиқ ҳисоби аналитик регистрлари шаклига;
- солиқ ҳисобида қўлланадиган ишчи счётлар режасига ва бошқаларга.

Солиқ ҳисоби сиёсатининг асосий таркибий элементи бўлиб ишчи счётлар режаси ҳисобланади. Солиқ ҳисобининг ишчи счётлар режаси хўжалик юритувчи субъект томонидан ўзининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда 21-БҲМСга асосан мустақил равишда ишлаб чиқилади.

Ишчи счётлар режасини шундай шакллантириш керакки, счётлардан олинadиган маълумотлар асосида қўшимча ҳисоб-китобларсиз солиқ турлари бўйича ҳисоботлар тузиш имконияти яратилиши лозим. Бунинг учун счётлар шундай танланиши керакки, бу счётларда даромадлар, харажатлар ҳисобга олиниб, счётлардаги маълумотлар асосида солиқ турлари бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш имкониятини бериши зарур.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Республикада солиқ сиёсатини ислоҳ этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва стратегияси ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга жорий этилди.

Солиқ кодексининг янги таҳририда “Солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб сиёсати” тушунчаси 77 модда қилиб киритилган. Ушбу тушунчани Солиқ кодексига киритилиши бухгалтерия ҳисобининг методологиясида тегишли ўзгартиришларга олиб келади. Чунки ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг методологик масалалари муҳим бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, “солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб” ва “солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб сиёсати” тушунчаларини мос равишда “солиқ ҳисоби” ва “солиқ ҳисоби сиёсат” деб аташ мақсадга мувофиқ. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, биз томонимиздан “солиқ ҳисоби” ва “солиқ ҳисоби сиёсати” тушунчаларининг таърифлар берилди ва буларни Солиқ кодексининг янги таҳрири лойиҳасида **76-моддани** “Солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб” ёки «Солиқ ҳисоби» деб номлаш ва қуйидаги таҳрирда бериш:

“Солиқ ҳисоби – бу хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш ва солиқ ҳисоботларини тузиш учун зарур бўлган маълумотларни ҳисобга олиш тизимидир.

Солиқ ҳисобининг вазифаси – бу ҳисобот даврида солиқ ва бошқа мажбурият тўловларни тўғри ҳисоблаш учун зарур бўлган ишончли маълумотларни ҳисобга олиш,

хамда ички ва ташқи фойдаланувчиларни зарурий маълумотлар билан таъминлашдан иборат.”

77 моддани “Солиққа тортиш мақсадларидаги ҳисоб сиёсати” ёки “солиқ ҳисоби сиёсат” деб номлашни ва қуйидаги таҳрирда ўзгартириш киритишни таклиф қиламиз:

“Солиққа тортиш мақсадларидаги ҳисоб сиёсати – бу хўжалик юритувчи субъект томонидан солиқ ҳисобини юритиш ва солиқ ҳисоботини тузиш учун танланган тамоиллар, қоидалар ва усуллар мажмуасидир.

Солиқ ҳисоби сиёсати хўжалик юритувчи субъектлар учун ички меъёрий ҳужжат бўлиб ҳисобланади”.

Солиқ ҳисоби сиёсатини шакллантиришда солиқ турларини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки солиқларнинг ҳар бир тури бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш усуллари, ҳисоб регистрларини юритиш, уларни счётларда акс эттириш бир-биридан фарқ қилади.

### Адабиётлар:

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389 сонли Қарорининг 2-иловаси “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарори

МҲХС-8 (IAS-8) “Ҳисоб сиёсати, бухгалтерия баҳолашдаги ўзгаришлар ва хатолар”. 2018.

БҲМС-1 (2024) “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати”. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3544.

Макарова А.А. (2011) Концепции формирования учетной политики экономических субъектов. Автореферат дисс. д.э.н. Йошкар-Ола. 17стр.

Налоговый Кодекс РФ, (2024) Налоговый кодекс Российской Федерации (с изменениями и дополнениями, вступившими в силу с 12.08.2024) (действующая редакция от 08.08.2024).

Брызгалин А.В., Демешова Е.В. (2000) Затраты, связанные с управлением производством промышленного предприятия: формирование себестоимости и ведение бухгалтерского учета. // Консультант.-. №2-С. 7-16

Сидельникова Л.Б., Назарян Е.Н. (2002) Налоговый учет и учетная политика организаций для целей налогообложения. М.: Омега-Л, 232с.

Куликова Л.И. (2018) Налоговый учет: учеб.-метод. разработка / Л.И. Куликова, Н.Б. Семенихина, Г.И. Хамидуллина, М.Ф. Мусаллямова. - Казань: КФУ, – 88 с.

Пятов М.Л. (2008) Учетная политика организации: учеб.-практическое пособие Текст. / М.Л. Пятов. М.: ТК Велби, Изд-во проспект. - 192 с.

Матвеев С.Ю. (2004) Некоммерческие организации. -М.: Бератор. -360 с.

Рассказова-Николаева С.А., Калинина Е.М. (2010) Налоговая учетная политика на 2010 год // Экономико-правовой бюллетень. - N 1. - 160 с.

Нестеров Г.Г. (2009) “Налоговый учет и налоговая отчетность”. Учебная пособия. Москва, ЭКСМО. 112 стр.

Нестерова Е.А., Балакирева Н.М., Гущина И.Э. (2006) Учетная политика - 2006: бухгалтерская и налоговая. Организационный, методический и технические аспекты. Учебное пособие. - М.: ФБК-ПРЕСС,

Ғуламова Ф.Ғ., Файзиева У.Т. (2018) Бухгалтерияни мустақил ўрганиш учун қўлланма. Тошкент: НОРМА, 108-109 бетлар. (276 б.).

Курбанов З.Н. (2024). Фойда солиғи бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 2024-yil, mart.